

СИРДАРЁ. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси тасаруфидagi юзга яқин жамоа ва ширкат хўжалигининг раҳбарлари аттестация, яъни малага синовида ўтказилди. Бу тадбирда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Х. Янгибоев қатнашди. Хуллас хўжалик раҳ-



Нониниз сероб — юнглимиз тўқ. Б. Тўраев (Ў.А.) олган сурат.

майдонча ҳаммаша гавжум.

РАҲБАРЛАР МАЛАКА СИНОВИДА

Барлари йил бошидаёқ синовида ўттиб олдилар. Аммо асосийси ҳали олданда. Болса, йил охирида гавжир сувдан кўтарилганда ҳар кимнинг билим, тажриба ва ғайрати самараси кўпроқ кўзга ташланарди.

Абдужалил УМАРОВ.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

АНДИЖОН. Соғлом авлодни тарбиялашда спорт масканларининг аҳамияти беқиёс. Буз тумани ўрмон хўжалигида теннис майдончасининг барпо этилиши кўпчиликка манзур бўлганди. Яқинда эса болалар ва ўсмирлар учун спорт мактаби ёнида фойдаланишга

МАШҚ МАЙДОНИ ХАМ БОР

топирилди. Янги бинада ёруғ синфхоналар билан бир қаторда спорт билан шуғулланиш учун алоҳида майдон бор. Зарур спорт анжомлари билан жиҳозланган усти берк



БУХОРО. "Вардонзе" — қадимий шаҳардаги 43 та қўшма корхонанинг бири. Бу Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси бўлиб, уч йилдаёқ юксалиш йўлига чиқди. — Бултур жами 9 миллион сўмлик даромад килдик, —

"ВАРДОНЗЕ" ЮКСАЛМОҚДА

дейди корхона раҳбари Қ. Қўлдошев. — Аввалига эркаклар қўйлаги тикланган бўлса, ҳозир пайпоқлар ҳам тўқилмоқда. Махсулотларимиз тури қўлайиб, 35 тага етказилди. Даврон БАҲРОНОВ.

ТОШКЕНТ. Ўзбекистон бадий ижодкорлар уюшмаси биносида кўргазма очилди. Бу ерга ёш мусавир Бехзод Махмудов мўйқаламига мансуб асарлар қўйилган. Расомнинг "Хумсон",



Компьютер сабоғи. И. Хўжаев (Ў.А.) олган сурат.

ИЖОДКОРЛАР КЎРГАЗМАСИ

"Манзара", "Тоғ нафаси" ва "Жарлик" каби асарлари ўзининг ёркин бўёғи, табиатида хослиги билан мухлис-

ларни ром этмоқда. Махмуд АҲМЕДОВ.

Ватани севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 27 февраль, пайшанба № 25 (22.110).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ

26 февраль куни Президент Ислам Каримов раислигида республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 1997 йилда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлди. Унда вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирликлар, давлат қўмиталари, концернлар, корпорациялар, уюшма ва идораларнинг раҳбарлари иштирок этди.



СУРАТЛАРДА: йиғилиш пайти.



Р. ЖУМАНИЕЗОВ (Ў.А.) олган суратлар.

радаги нуҳсон ва камчиликларга эътибор қаратилди. Хоразм вилояти ҳокими И. Юсупов, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш давлат концерни раиси А. Ибоббеков, бир қатор вилоятлар, вазирликлар, йирик корхоналар раҳбарлари иқтисодий ислохотларни амалга ошириш йўлида қилинаётган амалий ишлар, янги дастур ва режалар ҳамда бу борадаги мавжуд муаммолар ҳақида маъруза қилди.

Иқтисодий тараққиётда олға силжиш, халқ хўжалиги таркибида ўзгаришларни амалга ошириш, шу йўл билан жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш ислохотларнинг бош мақсадидир, деди Ислам Каримов мажлисни очиб. Бунинг учун эса ўтган йил натижаларни танқидий нуқтаи назардан ўрганишимиз, баҳолашимиз, жорий

йилда энг аввало қайси тармоқларни ривожлантиришимиз кераклигини белгилашимиз, бошқача айтганда, истиқболдаги устувор йўналишларни аниқлаб олишимиз зарур.

Ҳар бир корхона, хўжалиқнинг ривожланиши учун сармоялар асосий омил ҳисобланиши ҳеч кимга сир эмас. Бу эса хоржий инвестицияларни республи-

назирдан фикрлаш қобилиятига эга бўлмаган кишиларнинг раҳбар бўлиб ишлаши мумкин эмас. Хар биримиз 1997 йилнинг энг долзарб, устувор вазифаси нимадан иборат деган саволни ўзимизга беришимиз ва унга жавоб излашимиз даркор.

Мажлисда республика истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси раиси Р. Гиниятулин, Бош вазир ўринбосари — молия вазир Б. Ҳамидов, Марказий банк раиси Ф. Муллажонов муҳокама этилган масала юзасидан ахборот бердилар.

ИСЛОХОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ — ИНСОН МАНФААТЛАРИ ОМИЛИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ЎЗБЕКISTONНИНГ 1996 ЙИЛДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ЯҚУНЛАРИ ХАМДА 1997 ЙИЛДАГИ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИ

Мухтарам кенгаш қатнашчилари! 1996 йил яқунлари, эришилган натижалар ва шу билан бирга ислохотларни амалга оширишда йўл қўйилган хато ва камчиликлар таҳлили биз учун алоҳида муҳим аҳамият касб этди. Чунки 1997 йилги иқтисодий янгилашларнинг устувор йўналишлари айни мана шу асосда белгилашни керак.

Утган йилга яқин ясар эканмиз, унинг асосий хусусиятлари ҳақида хулоса чиқарганда, 1996 йил мамлакатимиз учун бозор иқтисодиётига асосланган демократик янгилашлар йўлида муҳим босқич бўлди, дейишга тўла асосимиз бор.

1996 йил ҳақида гапирар эканмиз, энг аввало у иқтисодий ва молиявий барқарорлик йили бўлганини тўла ишонч билан айтиш мумкин. Чунки бу йилда иқтисодий ўсиш учун мустаҳкам пойдевор яратилди.

Яппи ички маҳсулот 1995 йил даражасига қараганда 101,6 фоизни, sanoat маҳсулотини ҳам — 106 фоизни, истеъмол молларини ишлаб чиқариш — 108 фоизни ташкил этди. Бюджет камомади 3,5 фоиздан ошди. Пулнинг қадрланиши ўртача йиллик даражаси 2 мартага камайди. Нақд пул эмиссияси даражаси эса 20,4 фоиздан 19,7 фоизга қисқарди.

Иккинчидан, Миллий валютани мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу миллий валютанинг ягона тўлов воситаси сифатидаги мавқени ошириш имконини берди. Биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантириш учун ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар барпо этилди. Ўзбекистон

Республикаси валюта биржасида 1995 йилда 1,3 миллиард доллар сотилган бўлса, 1996 йилда 3,3 миллиард доллар миқдориди хорижий валюта сотилди.

Учинчидан, Иқтисодиётнинг таркибий тузилдиш жиҳатидан Ўзгариш ишлари изчил амалга оширилди. 166,5 миллиард сўмлик сармоя ўзлаштирилиб, бундан 66 фоизи ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришга сарфланди.

Асака автомобиль заводи, «Кварц» ишлаб чиқариш биносида меъморлик ойнаси ишлаб чиқариш бўйича цех қурилиши тугалланди, «Қабул-Тўйгана-Текстайл» қўшма корхонаси, Қарши шаҳридаги тўқимачилик комплекси, чарм маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича «Касмир-Дерм» қўшма корхонаси, Чирчиқдаги бола-лар пойабзали ишлаб чиқариш бўйича «КИБО» қўшма корхонаси ва яна бир қанча муҳим объектлар фойдаланишга топширилди.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Газли-Нукус газ қувури, 3-кон-металлургия заводи, Ғузор-Бойсун-Қумқўрган янги темир йўли, Камчиқ доводнидаги автомобиль йўли қурилишлари жадвал суръатлар билан амалга оширилмоқда, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли материаллар комбинати, Олмалик кон-металлургия комбинати ва бошқа муҳим объектларни қайта қуриш давом эттирилди. 150 дан ортиқ янги хилдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Тўртинчидан, Мулкни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, бозор инфраструктурасини шакллантириш, ким-

матли қозғолар бозорини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Бозор ислохотлари натижасида ҳозирги пайтда халқ хўжалигида банда қишлоқларнинг ва ишлаб чиқаришнинг миллий даромадининг 70 фоизи, sanoat маҳсулотининг 53,5 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 97,7 фоизи нодавлат сектори ҳиссасига тўғри келди.

Бешинчидан, Ташқи иқтисодий фаолият сезиларли даражада фаоллашди. Ташқи савдо обороти 9,3 миллиард доллардан ошди. Бу ўтган йил даражасидан 1,4 марта кўндр. Ташқи иқтисодий фаолиятимиз жугрофияси ҳам анча ўзгарди. Иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган хоржий мамлакатлар билан ташқи савдо обороти 1,7 мартага кўпайиб, умумий ҳажмининг 72 фоизини ташкил этди.

Шу билан бирга ўтган йили олдимизга қўйилган вазифаларни амалга оширишда жиддий хато ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилганини тан олиш лозим.


1996 йил қишлоқ хўжалиги учун оғир келди. Қишлоқдаги ислохотлар жуда суст ва кўп ҳолларда расмиятчилик йўлида амалга оширилмоқда. Яқинда бу масалалар махсус кенгашда кўриб чиқилди ҳамда бу вазиятга принципиал баҳо берилди. Иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ҳам бундай камчиликлар мавжуд.

Биринчидан, 1997 йилни Инсон манфаатлари йили, деб белгилаганимиз, биз Ўзбекистонда бу муҳим масалани ҳал этишга эндигина киришганимиз, деган фикр тугдираслиги лозим. Биз илгари ҳам, яъни бутун ислохотлар жараёнида аҳолининг ижтимоий муҳофазаси ва уни қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қонунчилик ва ҳуқуқий асосларини шакллантириш ҳамда амалга ошириш масалаларига катта аҳамият бериб келганимиз.

Бирок чора-тадбирлар кўп ҳолларда тарқоқ бўлиб, уларга мўайян, лекин айни замонда ўтиш даврининг ўткир ижтимоий масалаларини қамаштиришга ҳизмат

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI AXBOROTI

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1997 йил намунасидаги қиймати 200 сўм бўлган пул билетини муомалага чиқариш тўғрисида



1997 йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1997 йил намунасидаги қиймати 200 сўм бўлган пул билетини муомалага чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1997 йил намунасидаги қиймати 200 сўм бўлган пул билети 144x78 мм.ўлчамдаги оқ қозғога босилган.

Пул билетининг унғ тарафидида кенг оқ рангли майдонда Ўзбекистон Республикаси Герби қурилишидаги сув белгиси мавжуд.

